

182 - وَعَنْ أَبِي الْعَبَّاسِ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَوْمَ حَيْبَرَ: «لَا تُعْطِيَ الرَّأْيَةَ غَدَارَجَلًا يَقْتَحِمُ اللَّهُ عَلَى يَدَيهِ، يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، وَيُحِبُّهُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ» فَبَاتَ النَّاسُ يَدْعُوكُونَ لِيَتَهُمْ أَيُّهُمْ يُعْطَاهَا، فَلَمَّا أَصْبَحَ النَّاسُ عَدَوْا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، كُلُّهُمْ يَرْجُو أَنْ يُعْطَاهَا، فَقَالَ: «أَيْنَ عَلَيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ؟» فَقَيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ هُوَ يَشْتَكِي عَيْنِيهِ، قَالَ: «فَأَرْسِلُوا إِلَيْهِ» فَأُتْتِيَ بِهِ، فَبَصَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي عَيْنِيهِ، وَدَعَا لَهُ، فَبَرَأَ حَتَّى كَانَ مَمْكُنٌ بِهِ وَجْعٌ، فَأَعْطَاهُ الرَّأْيَةَ، فَقَالَ عَلَيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ أَقْاتِلُهُمْ حَتَّى يَكُونُوا مِثْنَا؟ فَقَالَ: «إِنْفَذْ عَلَى رِسْلِكَ حَتَّى تَنْزِلَ بِسَاحِتِهِمْ، ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى الإِسْلَامِ، وَأَحْبِرْهُمْ بِمَا يَحِبُّ عَلَيْهِمْ مِنْ حَقِّ اللَّهِ تَعَالَى فِيهِ، فَوَاللَّهِ؛ لَأَنْ يَهْدِيَ اللَّهُ بِكَ رَجُلًا وَاحِدًا حَيْرَ لَكَ مِنْ حُمْرٍ النَّعْمِ». مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ. [خ 3701، م 2406].

قوْلُهُ: «يَدْعُوكُونَ»: أَيْ يَحُوضُونَ وَيَتَحَدَّثُونَ، قَوْلُهُ: «رِسْلِكَ» بِكَسْرِ الرَّاءِ وَبِفَتْحِهَا لُغْتَانِ، وَالْكَسْرُ أَفْصَحُ.

182. Абу Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар куни: «Мен бу байроқни шундай кишига бераманки, Аллоҳ унинг қўли билан фатҳ қилади, у Аллоҳни ва Унинг Расулини яхши кўради, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳам уни яхши кўради», дедилар. Одамлар туни билан у кимга берилиши

ҳақида гаплашиб чиқишиди. Тонг отгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига боришиди. Ҳар ким унинг ўзига берилишини орзу қиласи эди. У зот: «**Алий ибн Абу Толиб қани?**» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, унинг кўзлари оғрияпти», дейишди. «**Унга одам юборинглар**», дедилар. Уни етаклаб келишиди. У зот унинг кўзларига туфлаб қўйиб, ҳаққига дуо қилган эдилар, шу заҳоти тузалиб, худди оғримагандек бўлиб қолди. Сўнг у зот байроқни унга бердилар. Алий: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз каби (мусулмон) бўлмагунларича уларга қарши жанг қиласими?» деди. У зот шундай дедилар: «**Уларнинг майдонига кириб боргунингча шошилмай боргин. Кейин уларни Исломга чақиргин. Уларнинг зиммасига Аллоҳнинг ҳақларидан нималар вожиб бўлишини айтгин. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сен туфайли бир кишини ҳидоят қилиши қизил туяларинг бўлишидан афзалдир.**

Муттафакун алайҳ.

**Шарҳ:** Бу ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидан бирининг шоҳиди бўлмоқдамиз. Кўзлари қаттиқ оғриб қолган беморга дам солиб, дуо қилишлари билан худди кўрмагандек бўлиб тузалиб кетиши катта мўъжизадир. Бу иш ўша пайтда у зотнинг ҳар бир ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб турган дўсту душманнинг орасида бўлганлиги билан ҳам эътиборга сазовордир.

Саодат замонининг энг сара мусулмонлари, жумладан, Абу Бакр Сиддик, Умари Одил ва Усмон Зуннурайни каби зотлар жамланиб турганларида, олдиндан улуғ васф қилиб қўйилган шахс мартабасига ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг танланишлари у кишининг фазллари қанчалик улуғ эканлигини билдиради.

Ушбу ҳадиси шарифдан яна бир улкан исломий ҳақиқатни, яъни, мусулмонлар фатҳ ишларини уруш учун эмас, кишиларни яхшиликка, Исломга чақириш учун олиб борганликларини англаб оламиз. Агар уруш қилиш ниятлари бўлганда, бу ишга Хайбар аҳли лойиқ эдилар. Ўша пайтда Хайбар Исломга ва мусулмонларга қарши халқаро марказга айланган эди. У ердан тинмай Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши, Ислом жамиятига қарши турли иғволар ва ҳаракатлар чиқиб турган эди. Ўша кундан аввалги куни уруш ҳам бўлиб ўтган эди. Аммо шундоқ бўлса ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан байроқни олган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху уларга қарши ўзларига ўхшагунча уруш қилишлари ҳақидаги масалани яна бир бор сўрадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эса уларни яна бир бор масалани тинч йўл билан ҳал қилишга, Исломга тарғиб қилишга иршод қилдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Хайбар куни Али ибн Абу

Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуга: «**Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг сабабингдан бир кишини хидоятга солмоғи, сен учун энг афзал неъматлардан кўра яхшироқдир**», деган сўзлари мусулмонларнинг фатҳ ишларидаги шиори бўлиб қолган эди.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

